

№28
(1462)
2023 YIL
27-IYUL

O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH

ЗДРАВООХРАНЕНИЕ
УЗБЕКИСТАНА



IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA ♦ 1995 YIL OKTYABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN

2023 йил – инсонга эътибор ва сифатли таълим йили

ЎЗБЕКИСТОН – ГЕРМАНИЯ

“SIEMENS HEALTHINEERS” КОМПАНИЯСИ ЮРТИМИЗГА ИЛҒОР ТИББИЁТ УСКУНАЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРАДИ

Шу йил май ойида Самарқандда ўтказилган Ўзбекистон – Германия халқаро тиббиёт форуми соғлиқни сақлаш соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш учун янги имкониятлар эшигини очди.



Бунда Анжуманда қўлаб немис корхона, клиника ва тиббиёт олий ўқув юртлири қаторида дунёга машҳур “Siemens Healthineers” компанияси билан ҳам мамлакатимиз шифоналарига зарур тиббий асбоб-ускуналар етказиб бериш бўйича дастлабки келишувга эришилган эди. Орадан қисқа вақт ўтиб, ана шу келишув ижроси юзасидан мулоқот бошланди. Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов ушбу компаниянинг вице-президенти Бернт Бибер бошчилигидаги делегация вакиллари билан учрашув ўтказди. Таъкидлаш жоизки, 125 йилдан зиёд тажрибага эга “Siemens Healthineers” компанияси тиббиёт соҳасида рақамли технологияларни жорий этиш ва тиббий асбоб-ускуналарни етказиб бериш

бўйича дунёда етакчилардан ҳисобланади.


Вазир мулоқотда қайд этганидек, бугун Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизими тўлиқ трансформация қилинмоқда. Бу жараёнда юртимиздаги давлат даволаш-профилактика муассасалари қатори, 8 мингдан зиёд хусусий шифоналарни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, соҳа учун малакали мутахассислар тайёрлаш ва бу орқали аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш устувор йўналишлар сифатида белгиланган. Шунингдек, учрашувда Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги тиббиёт ва тиббий таълим хабиға айлантириш учун етарлича имконият ва салоҳият мавжудлиги таъкидланди. Ўз навбатида, германиялик меҳ-

монлар ўзбек тиббиёти жадал суръатларда тараққий этаётганини эътироф этиб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан узоқ муддатли ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини маълум қилди.

Мулоқот давомида мамлакатимиздаги давлат ва хусусий тиббиёт муассасаларига зарур тиббий асбоб-ускуналарни етказиб бериш, уларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган сервис-марказлар ташкил этиш ва мутахассислар тайёрлаш, соҳага энг сўнгги русумдаги инновацион технологияларни жорий этишга келишиб олинди. Учрашув якунида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва “Siemens Healthineers” компанияси ўртасида меморандум имзоланди.

ЭЪТИБОР БЕРИНГ!

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ – АМАЛИЙ АНЖУМАН



Жорий йилнинг 28-29 июль кунлари пойтахтимизда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Германиянинг нуфuzли Фрайбург университети клиникаси билан ҳамкорликда халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтади.

Анжуманда - немис таълим стандартлари бўйича юртимизда тиббиёт мутахассислари тайёрлаш, уларни қайта ўқитиш, малакасини ошириш, соҳада илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда илғор диагностика ва даволаш усулларини жорий қилиш каби муҳим масалалар муҳокама этилади, – дейди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов.

ЭРОН ЎЗБЕКИСТОНГА АБУ АЛИ ИБН СИНОГА ОИД 45 ЖИЛД КИТОБНИ ТАҚДИМ ҚИЛДИ



Ибн Сино илмий меросини ўрганиш бўйича Ўзбекистон ишчи гуруҳи Эронда изланиш олиб бормоқда. Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказининг Абу Али Ибн Сино илмий меросини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳи Эронга борди.

Илмий сафар давомида экспедиция аъзолари Эрон миллий кутубхонаси ва давлат архивида бўлди, шунингдек, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Маданият институтида «Ўзбекистон–Эрон» I халқаро илмий-амалий конференциясида иштирок этди. Делегация аъзолари Эрон миллий кутубхонасида сақланаётган барча китоб ва қўлёзмалар, жумладан, Ибн Сино, хоразмий ва темурийларга оид манбалар билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлди. Учрашув якунида Эрон томони Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази кутубхонаси ва Ибн Сино жамоат фонди учун Абу Али Ибн Синога оид 45 жилддан иборат Эронда сақланаётган китоблар ва 20 жилддан иборат Ироқда сақланаётган китоблар тўпламини тақдим қилди.

Ўзбекистон Ибн Сино жамоат фонди директори Нозимжон Махмудов ўз чиқишида Эрон томонини жорий йил октябрь ойида Бухорода ўтказилиши режалаштирилаётган XII халқаро Ибн Сино ўқишлари илмий-амалий анжуманига таклиф қилди.

Ўзбекистон-Эрон» I халқаро илмий-амалий конференциясида Абу Али Ибн Сино ҳаёти ва унинг жаҳон фани тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси борасида ўзаро фикр алмашилди.

ИМКОНИЯТ

IELTS СЕРТИФИКАТИ БОР ТАЛАБАЛАРГА ВАЗИР СТИПЕНДИЯСИНИ БЕРИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

Жаҳон илм-фанида эришилаётган ютуқларни ўрганиш, тўпланган тажрибаларни ўзлаштиришда чет тилларини билиш жуда муҳим. Шу

боисдан бугун юртимиз олий ўқув юртлирида таҳсил олаётган талабалар олдига хориж тилларини мукаммал билиш талаби қўйилмоқда.



Айни пайтда мамлакатимиздаги мавжуд 11 та тиббиёт олий таълим муассасасида таҳсил олувчи талабалар орасидан 7,5 ва ундан юқори бўлган инглиз тили IELTS сертификати ҳамда немис ва француз тилини билиш даражасини бел-

гиловчи C1 даражадаги халқаро тан олинган сертификатга эга бўлган талабалар кўп. Табиийки, уларда дунёнинг юқори рейтингда турган университетларга грантни қўлга киритиш имконияти жуда катта. Шу боис Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Ино-

ятов тизим фаоллари иштирокида ўтган йиғилишда амалдаги тартибга ўзгартириш киритиш ҳамда бундай иқтидорли ва изланувчан талабаларга вазир стипендиясини тўлаб бориш тизими жорий этилишини маълум қилди.

– Агар бунда амалиётга татбиқ этсак, чет тилларига қизиқувчи қолган талабалар ҳам уларга эргашиб, худди шундай юқори натижаларга эришишга интилади, – дейди Амрилло Иноятов. – Бунинг учун тиббиёт олийгоҳлари ректорлари иқтидорли талабаларга алоҳида эътибор қаратиши, ҳар бир кафедра ўқитувчиси илм йўлини танлаган бўлажак ёш мутахассисларни яқиндан қўллаб-қувватлаши зарур.

Қайд этилишича, мазкур янгилликни жорий қилиш бўйича яқинда ҳуқуқий асослар ишлаб чиқирилиши кўзда тутилган.

@ssvuz

НУҚТАИ НАЗАР

БЕМОР ҚАЛББИГА ДАРЗ КЕТМАСИН!



**Унутмагил, шифокор: ширин сўзинг даводир,
Чехрангдаги табассум, кулган кўзинг - даводир.**

**Хуш бир калом, шаксиз, беморга бахт этар жон,
Хушид каби мунаввар гулгун юзинг даводир**

Азизлар, биз бежизга мақоламизни ушбу пурмаъно фикрлар билан бошламадик. Чунки, бир оғиз ширин сўз тушқунликка тушган ҳар қандай инсоннинг руҳиятини кўтариб, унга ҳаёт бахш этади. Шунинг учун ҳам ширин сўз қудрати ҳаёт билан тенгдир, деб бежизга айтилмаган. Дарвоқе, тўртликнинг илк сатридаги ширин сўзининг даво-си деган ибора тиббиёт ходимларининг касбга муносабати, ахлоқ-одои, шунингдек, шифокор ва беморлар орасидаги турли муносабатларнинг асл моҳияти бўлиб, бу тиббиётимиз тилида деонтология деб юритилади. Сиз ҳам юқоридаги фикрларимиздан англаб етдингизки, бугунги мулоҳазамиз тиббиёт деонтологияси тўғрисида боради. Тиббиёт деонтологияси тиббиёт ходимининг бурчи, одоби ҳақидаги фан бўлиб, бу фан шифокорлар, ҳамширалар ва кичик тиббиёт ходимлар учун маънавий-мафкурарий дастуриамалдир.

Тиббиёт деонтологияси кенг фалсафий тушунча ҳамда бир канча йўналишлардан иборат:

– шифокор билан бемор ўртасидаги муносабат;

– шифокор билан беморнинг яқин кишилари (қариндошлари, дўстлари, ҳамкасблари) орасидаги муносабат;

– шифокорларнинг ҳамкасблари, ҳамширалар ва кичик тиббиёт ходимлари билан муносабати;

– шифокор ва беморнинг даволаш жараёнидаги ҳуқуқлари;

– устоз ва шогирд муносабатлари;

– шифокор фаолиятидаги ҳаёт-камчиликлар ва бошқалар.

Зеро, тиббиёт деонтологияси тиббиёт ходимларида юксак инсоний фазилатлар мужассамлигини ифода эта олиши керак. Айниқса, улардаги билимдонлик, меҳр-шафқат, камтарлик, одамийлик, ҳалоллик, покиза-лик, инсофлилик, зийраклик, ҳо-зиржавоблик, хушмуомалалик, босиқлик ҳамда изланувчанлик каби муҳим жиҳатларнинг борлиги юқоридаги йўналишларда ўз исботини топиши ва амалиётда кенг қўлланиши муҳимдир. Республикаимиз тиббиёт тизими-да 85 минг нафардан зиёд шифокор ва 350 минг нафардан ор-тик ҳамширалар меҳнат қилади. Тиббиёт нуқтаи назаридан олиб қарайдиган бўлсак, улар меҳнати ниҳоятда машаққатли, масъули-ятли, аммо шарафлидир. Чун-ки, улар беморлар дардига даво

айлаб, қалбларига нажот бахш этишади. Шундай экан, ҳар бир шифокор беморни алоҳида, кўтаринки кайфият билан қа-бул қилмоғи, яхши мулоқотда бўлмоғи ва ниҳоят тузатмоғи лозимдир. Биз бу хусусда кўп гапиришимиз мумкин. Келинг яхши асосий муддаога ўтай-лик. Гап тиббиёт ходимларининг муомала маданияти ҳақида кетар экан, йил давомида таҳририяти-мизга республикамизнинг турли жабҳаларидан келган миннат-дорчилик мактублари ҳамда биз билан юзма-юз гаплашиб дил ташаккурларини изҳор этган муштарийлар фикрига эъти-бор қаратайлик. Улар тиббиёт ходимларининг ажойиб фа-зилатлари, муомала-мада-нияти ва кўрсатган тиббий ёрдамларидан мамнун экан-ликларини тилга оладилар.

Таҳририятимизга телефон кўнғироғи бўлди. Навоийлик Хадича опа фарзанди Шаҳно-занинг шифокорлар ташхисига кўра инфаркт касаллигига учра-ганлиги ва кейинги пайтларда юрак соҳасида оғрик бўлаётган-лигидан шикоят қилди. Опахон Навоийлик мутахассисларнинг йўлланмаси билан пойтахтдаги Республика ихтисослаштирил-ган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказига мурожаат қилганлигини ва мазкур шифо маскани ходимларидан мин-натдор эканлигини мамнунлик билан айтди. Қизим 40 ёшда кейинги пайтларда кон босими ошиб, юрак соҳасида оғриқлар бўлиб саломатлигидаги жиддий ўзгаришлар оила аъзоларимизни хавотирга сола бошлади. Тума-нимиздаги тиббиёт бирлашмаси шифокорларига мурожаат қил-дик ва бир неча маротаба даво-ланиб ҳам чиқди. Лекин натижа кутилгандек бўлмади. Сўнгра, қизимнинг соғликлари чукуроқ текшириш мақсадида даво-ловчи врачлари Республика их-тисослаштирилган кардиология илмий-амали тиббиёт марказида тиббий кўрикдан ўтиб келишини тавсия қилишди. Қизим Шаҳно-за ниҳоятда тушқун ҳолатда бўлиб, ахволи айтарли даражада яхши эмас эди. Хуллас, Республи-ка ихтисослаштирилган карди-ология илмий-амалий тиббиёт марказига келдик. Шифокорлар бизни жуда хушмуомалалик билан кутиб олишди ва қизим-нинг юрак соҳасини замонавий аппаратураларда текширишди. Айниқса, кардиолог-шифокор-ларнинг тиббий кўриклари, шу-нингдек, лабораториядаги тах-

лилий натижаларнинг сифати ва тезкорлик билан амалга оши-рилиши, тажрибали шифокор-лар томонидан қўйилган тўғри ташхислар қизимнинг кўнглини кўтариб юборди. Шаҳнозада ҳеч қандай жиддий касал йўқлиги-ни, ҳатто, инфаркт касаллигини ўтказмаганлигини айтишди. Ай-ниқса, тиббиёт ходимларининг ширин муомаласи, камтарлиги, ҳатто текширувларда ҳамроҳ сифатида юрган бир-биридан

**Ҳа,
аслини ол-
ганда шифокор-
нинг ширин сўзи бе-
мор учун малҳам бўлса,
унинг биргина ноўрин
гапи эса захар би-
лан тенгдир.**

чакқон ҳамшираларнинг меҳри-бонлигини айтмайсизми? Мар-казнинг тажрибали мутахасси-си Ҳамидулла Тошпўлатовнинг кўрсатган тиббий ёрдамлари ҳамда илиқ муомаласидан жуда хурсанд бўлдик. Қизим билан шифокор олдидан қанот қоқиб учиб чиққанимизни кўрсангиз эди. Қизим бўлса онажон ал-лақачон ушбу тиббиёт муассаса-сига шунча вақтдан бери келсам бўлар экан. Яхшиямки, вақтида келибмиз дея суюниб қайта-қай-та гапирди...

Энди бир мудҳиш воқеага эъ-тиборингизни қаратайлик.

Бундан бир неча йил олдин таҳририятимизга шикоят хати билан мурожаат қилиб келган муаллифнинг маҳзун чехраси ҳамон кўз ўнгимдан кетмайди. Унинг 9 яшар ўғли Жасурбек бехосдан бетоб бўлиб, туман тиббиёт бирлашмасининг бо-лалар бўлимига ётқизилади. Шифокорларнинг масъули-ятсизликлари туфайли Жа-сурбек ҳаётдан кўз юмади. Бегуноҳ фарзандининг ўлими ота-онанинг қаддини букди. Ғам исканжасида қолган ота мар-казий шифохонанинг тиббиёт ходимларига учраб, юрагидаги дарду ҳасратини айтмоқчи бў-либ кирганида, шифокор ва ҳам-шираларнинг ноўрин гаплари-ю отани камситишлари, жабрдий-да инсоннинг қалбини аламга

тўлдириб, унинг дилини вайрон айлади. Ота мулзам бўлиб, як-ка-ёлғиз умидвор нуридийда-сининг расмини кўзларидаги ғамли ёши билан бағрига босиб, шифокорлар хонасидан нафрат билан чиқиб кетади. Наҳотки, шу пайтда шифокор ўзининг бир оғизгина ширин сўзи билан отанинг дардли қалбига таскин бера олмади. Тошкент шаҳрида истиқомат қиляётган беш ёшли Азизбек грипп касаллигига ча-линиб, унинг асорати натижаси-да юз-жағ соҳасида “Фурункул” аломати юзага келди. Онаси уни дарҳол ҳудуддаги оилавий поликлиника шифокорига олиб борди. Азизбек умумий амали-ёт врач кўригидан ўтгач, пой-тахтимиздаги клиникаларнинг бирига йўлланма берилди. Улар мазкур шифо масканига бо-ришгач, шифокорлар томонидан беморга совуққонлик билан ка-ралиб, “Сизлар бошқа туман рўйхатида турсизлар, биз сизларни қабул қила олмай-миз”, дея уларни бошқа ши-фохонага юборишади. Ахир, оғир аҳволда борган бемор-га ўша ернинг ўзида биринчи тиббий кўрсатилиб, керакли хирургик амалиётни бажариш имкони бор эдику. Фарзанди тортаётган азобдан изтироб чеккан ота-онанинг бу ҳолдан кайфияти тушиб, уни зудлик би-лан иккинчи шифохонага олиб боришди. Азизбек тиббиёт хо-димлари кўригидан ўтказилгач, дарҳол операцияга тайёрланди. Бемор дарддан фориғ бўлди. Лекин мазкур шифохонадаги ай-рим тиббиёт ходимларининг ўз манфаати йўлида касби ва ши-фокорлик касамёдига нисбатан садоқатли эмаслиги ҳам ота-она томонидан тилга олинди. Шу-нингдек, фуқаролардан кела-ётган эътирозларга қараганда шифо масканларида фаолият юритаётган айрим тиббиёт хо-димлари оғир ётган беморларга қўпол муомалада бўлаётганли-клари ва даво муолажалари ҳам эътиборсиз қолаётганлиги куза-тилмоқда. Гувоҳларнинг фикри-ча, бу вазифалар раҳбар назора-ти кучайтирилган пайтлардагина ўз вақтида бажарилар экан.

Энди бу ҳолатни қандай тушуниш мумкин? Ўз касби-га меҳр қўйиб, шифохонада фаолият юритаётган шифокор, ҳамшира ва кичик тиббиёт хо-димларининг асл мақсади инсон саломатлигига қаратилган бўлса, ортиқча гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқку!

Бу биргина кичик хулоса оддий ҳақиқатдан ибо-ратдир. Бунинг узвий давоми сифатида газетамиз-нинг кейинги сонларида тажрибали деонтолог му-тахассисларимизни суҳбатга чорлаб қоламиз.

**Ибодат СОАТОВА,
журналист.**

Бугунги кунда барчамизни ташвишга солаётган яна бир масала бор. Бу ҳам бўлса, шифо масканларида учраётган таъма-гирлик ҳолатлари. Барчамизда улар кимлар экан, деган савол туғилади. Қолаверса, бу жара-ёнда баъзи тиббиёт ходимлари, шунингдек, тиббиёт муассаса-ларидаги меъёрий ҳужжатлар-дан беҳабар бўлган (пуллик ва бепул хизматлар, ногиронлиги бор шахслар, нафақахўр ва ҳо-казолар) воситачилар ўз ман-фаати йўлида ҳуқуқбузарликка йўл қўймоқдалар. Шундай экан, бу каби ҳолатларнинг олдини олишда ҳаммамиз бирдек масъул бўлайлик... Бундай бир-бирига қарама-қарши бўлган мисол-ларни жуда кўп келтиришимиз мумкин. Кейинги пайтларда тиб-биёт ходимларининг беморларга бўлган мулоқотлари тўғриси-даги бундай эътирофли фикр-ларни айнан биргина мактублар мисолида эмас, балки кенг аҳо-ли орасида ҳам эшитиб, гувоҳи бўлмоқдамиз. Ўтган йили респу-блика тиббиёт муассасаларида хизмат сафарида бўлганимизда кўплаб шифокор ва ҳамширала-римизда тиббиёт деонтологияси-га хос бўлган фазилатлар кўриб, хурсанд бўлдик. Лекин айрим шифо масканларида даволана-ётган ва мурожаат қилиб кела-ётган беморларга қўпол муомала қиляётган тиббиёт ходимларини кўриб, кайфиятимиз тушиб кет-ди. Энг ачинарлиси, инсон қал-бига дарз етказиб, унинг дилини вайрон этмоқдан ёмони бўлмаса керак. Улуғ мутафаккирлари-миздан бири шундай деган экан: “Инсон кўнглини кўтармоқ, Каъбани обод қилмоқ билан ба-робардир. Агар дилини вайрон қилса, Каъбани вайрон қилмоқ билан тенгдир”.

Ҳа, аслини олганда шифо-корнинг ширин сўзи бемор учун малҳам бўлса, унинг биргина ноўрин гапи эса захар билан тенгдир. Шундай экан, бир-бири-миздан яхши сўзимиз ва меҳри-мизни дариг тутмайлик. **Севим-ли шoirимиз Эркин Воҳидов қаламига мансуб “Асаблар” шеърининг қуйидаги мисра-ларига эътибор беринг-а:**


*Асабга сўз берманг одамлар!
Ғазабга йўл берманг, одам-лар,*

*Умр-ку шунчалар қисқақдир,
Шуни ҳам қилмаймиз биз қадр.*

ПРЕЗИДЕНТ ТАШАББУСИ АМАЛДА



ВИЛОЯТЛАРДА МУРАККАБ ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТИ БАЖАРИЛМОҚДА



Диафрагманинг қизилўнгач тешиги чурралари бу қорин бўшлиғида жойлашган айрим аъзоларнинг маълум сабабларга кўра кўрак қафасига чиқишидир. Кўп ҳолларда кўрак қафасига қизилўнгачнинг дистал ва ошқозоннинг проксимал қисмлари чиқади. Шунинг учун ҳам юқорида кайд этилган чурра тури 50 ёшдан кейинги кишиларнинг 50 фоизда учрайди. Ёшларда эса боғлов тизими ва ёғ тўқимасининг

бутунлиги ошқозон қисмининг кўрак бўшлиғига ўтишига етарлича тўсқинлик қилиши сабабли ушбу патологик ҳолат анча камроқ аниқроғи 5 фоизгача учрайди. Демак, юқоридагиларни инобатга олиб ўткир холецистит ва диафрагманинг қизилўнгач тешиги чурралари бирга келган ҳолатларда даволаш усуллари беморларни барчасини қониқтиряпти дея олмаимиз. Ушбу йўналишдаги муаммоларни ҳал қилиш эса анчагина

изланиш ва тадқиқот талаб қилади.

Республика шoshiлнч тез ёрдам илмий маркази Бухоро филиалида ҳам бундай беморлар сонининг кўпайганлигини ҳисобга олиб “Ўткир холецистит билан диафрагманинг қизилўнгач тешиги чурралари бирга келган ҳолатларда диагноз қўйиш ва хирургик тактикани такомиллаштириш” мавзусида илмий изланиш олиб борилмоқда. Илгари бундай беморларда икки этапда операция

ўтказилар ва операция очик усулда катта жароҳатлар билан қилинар эди. Марказ директори Т. Мусоев бошчилигида биринчи шoshiлнч хирургия бўлими хирурглари Ш. Абдурахмонов, Ф. Ҳайдаров, А. Ганиев, илмий изланувчи Ф.Холиков иштирокида илк бор уч нафар беморда симулант юқори технологик операциялари муваффақиятли бажарилди.

– Илгари бундай беморлар чет эл ёки пойтахт етакчи клиника-

ларида иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан қийналган ҳолда катта маблағ эвазига даволаниб келишга мажбур бўлган, – дейди марказ директори Т. Мусоев. – Давлат раҳбари ташаббуси билан соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш самараси боис ҳозирги кунда бундай беморлар, ватандошларимиз ўз вилоятида, хусусан бизнинг филиалда шифо топишмоқда.

ЎЗА.

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТИББИЙ ЁРДАМ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида аҳолига юқори малакали ихтисослаштирилган, замонавий талабларга жавоб берадиган самарали тиббий хизмат кўрсатиш тизими вужудга келди. Жумладан, мамлакатимиздаги туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаларининг 46 та туғуруқ бўлимлари негизда туманлараро перинатал марказлар ташкил этилди.

Перинатал марказ юксак технологияли тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши, юқори малака ва маҳоратли шифокорлар жамланганлиги, оғир турдаги туғруқлар оқими билан одатий туғруқхонадан ажралиб туради. Марказда хавфли перинатал асоратлари бўлган ҳомиладор ва туққан аёллар ҳамда эндигина туғилган чақалоқларга халқаро андозаларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатилади. Шунингдек, муддатидан аввал туғилган гўдақлар учун махсус реанимацион ва интенсив хизматлар мавжуд. Замонавий муассасада оналар, янги туғилган чақалоқлар ва болалар самарали перинатал, неонатал ва педиатрия хизматларидан баҳраманд бўлиши учун кенг имкониятлар яратилди.

Наманган вилоятининг Янгикўрғон туманлараро перинатал маркази 95 ўринга

эга. Бу ерда 9 нафар олий тоифали шифокор фаолият юритиб келмоқда. 96 нафар ўрта тиббиёт ходимининг 60 нафари олий тоифали. Врач ва доимий доялар, неонатал ҳамширалар малака ва маҳорат-

ди. Яратилган имкониятлар натижасида ҳозир биз чақалоқларнинг 80–90 фоизини сақлаб қолишга эришяпмиз. Чақалоқлар реанимациясида оғир аҳволдаги норасидани сақлаб қолиш учун инкубатор, исит-

асосан, перинатал марказимизда амалга оширилмоқда. Чунки эрта туғилган чақалоқлар вазни анча кичик бўлади. Улар 2 минг граммгача, ҳатто минг граммгача бўлиб, бу перинатал ўзгаришлар хавфини кучайтиради. Кўп тармоқли марказий поликлиникаларимиз аёллар маслаҳатхонасида хотин-қизларга комплекс ёрдам кўрсатиляпти. Косонсой, Янгикўрғон туманларида яшовчи туғиш ёшидаги аёллар соғломлаштирилмоқда. Уларнинг 57 минг нафардан зиёди чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди.

Маслаҳатхона қошида перинатал диагностика хонаси, онко-назорат хонаси, акушер-гинекологлар хизмати мавжуд. У ерда ҳомиладор аёлларни ўз вақтида назоратга олинапти, мултивитаминли, бойитилган препаратлар бериляпти. Хавф белгилари аниқланган аёлларга туғуруқкача тиббий-малакали ёрдам кўрсатиляпти. Марказда замонавий перинатал технологияларни қўллаш ҳомиладор аёллардаги муаммоларни асоратсиз даволаш имконини берапти.

СОҒЛОМ АВЛОД - Ватан келажак

ларини мунтазам ошириб келмоқдалар. Марказнинг иккита акушерлик бўлимидаги мавжуд бешта туғруқ заллари сўнгги русмдаги мослама ва биринчи ёрдам тўпламлари билан таъминланган. Муассасанинг неонатал реанимация ва анестезиология бўлимида муддатидан олдин туғилган ва хирургик касалликлари бўлган чақалоқларга юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиляпти. Бундан ташқари, муддатидан илгари туғилган ёки оғир аҳволдаги чақалоқларни перинатал марказга келтиришга мўлжалланган транспорт мавжуд. У тегишли тартибда жиҳозланган: кувез, яъни чақалоқни ташиш учун мослама, ёрдам кўрсатиш учун асбоб-анжомлар билан таъминланган. Бу имкониятлар авваллари йўқ эди. Оғир ҳолдаги чақалоқларни кислород, кувез мосламалари бўлмаган оддий Damasларда олиб келардик, натижада баъзида норасидани сақлаб қолиш имкони бўлмас-

кич столлар, нафас олдирувчи аппаратлар мавжуд. Шунингдек, мониторларда уларнинг нафас олиши, юрак уриши кузатиб турилади. Lineomat қурилмаси орқали дори-дармонлар вақти-вақти билан бериб борилади. Чала туғилган чақалоқларда ўпка ривожланмаганлиги сабабли юзга келадиган муаммо сульфоктор препарати қўл келмоқда. Йилига ўрта ҳисобда 5700 нафар чақалоқ дунёга келади. Улар орасидаги муддатидан олдинги туғуруқлар,

Гинекология бўлимида эса юқори технологик операциялар орқали аёллар соғлиги тез ва самарали тикланмоқда. Лапароскопик гистерэктомия, лапароскопик миомэктомия, бачадон бўйнини сакроспинал мустаҳкамлаш амалиёти, лапароскопик промونتопексия, пектопексия, Берч жарроҳлик амалиёти, турли слинг операцияларини шу ернинг ўзида амалга оширишга муваффақ бўлмоқдамиз.

Лайло АХМЕДОВА,
Янгикўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи.

УСТОЗНИ ХОТИРЛАБ



**Ўзбекистон Республикаси
Созлиқни сақлаш аълочиси,
Ўзбекистонда кимё ва фарма-
цевтика тараққиётига катта
ҳисса қўшган олим, кимё фан-
лари доктори, профессор, Ўз-
бекистон фан арбоби Аминов
Собиржон Нигматович 1938
йил 2 августда Тошкентда
ишчи oilасида дунёга келган.**

ҲАЁТ МОҲИЯТИ ВА БАҲТНИ ҲИС ЭТДИМ



Устозим Собиржон Аминов 1961 йилда Тошкент фармацевтика институти имтиёзли диплом билан тугатиб, 1961-1962 йилларда Фанлар академиясининг “ГИДРОИНГЕО” институтида кичик илмий ходим лавозимида ишлади. 1962 йилда Фанлар академиясининг Элементорганик бирикмалар институтига аспирантурага қабул қилинди. 1965 йилда эса “Органик кимё” ихтисослиги бўйича кимё фанлари номзоди илмий даражаси учун “Карбон кислоталар ва уларнинг ҳосилаларининг этилен билан теломеризацияси. Теломеризация пайтида радикалларни перегруппировкаси” мавзусида диссертация ишини ҳимоя қилди.

1965-1977 йилларда профессор Собиржон Аминов Фанлар академиясининг Кимё институтида катта илмий ходим, 1978 йилдан Тошкент фармацевтика институти аорганик, физик ва коллоид кимё кафедрасининг муdiri лавозимларида фаолият олиб борди. Устоз 1987 йилда Д. Менделеев номи Москва кимё технология институтида коллоид кимё ихтисослиги бўйича “Карбон, алкилфосфон, алкиларилсульфокислота ҳосилалари асосида сирт-фаол моддалар синтези ва коллоид кимёвий ҳосилалари” мавзусида диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Шу тариқа 1970 йилда катта илмий ходим, 1982 йилда доцент, 1988 йилда эса профессор илмий унвонига сазовор бўлди. 1987-1994 йилларда профессор Собиржон Нигматович Тошкент фармацевтика институтида илмий ишлар бўйича проректор, 1993-1994 йилларда эса ректор вазифасини бажарди. 2005-2018 йилларда қайта ташкил этилган Аорганик, аналитик, физик ва коллоид кимё кафедрасини бошқарди. 2018-2020 йилларда институтнинг Ноорганик, физик ва коллоид кимё кафедраси профессори лавозимида фаолият юритди. Устозимиз коллоид системаларнинг, жумладан, дори

дисперс системаларининг коллоид кимёвий ҳосилаларини, термодинамик ва технологик параметрларини сирт фаол ва гидротроп моддалар ёрдамида бошқариш илмий йўналишининг асосчиси. Этирофлиси шундаки, таникли олим Собиржон Аминов фаолияти давомида илмий йўналишда бир қатор янгиликлар яратди, шунингдек, ишлаб чиқаришда ҳам фаол иштирок этди. Бунинг исботи сифатида айтиш жоизки, устоз иштирокида илк бор 100 дан ортиқ янги синтез қилинган анион, катион, амфолит ва ноионоген синфларга оид сирт фаол моддалар (СФМ) нинг синтез қилиш усуллари ишлаб чиқилди. Бунда коллоид кимёвий ҳосилалари ўрганилди, СФМнинг дифил молекулаларининг структураси ҳамда ҳосилалари орасидаги ўзаро боғлиқлик қонуниятлари аниқланди. Биринчи марта теломеризация усулида дифил молекулали олигомер тузилишга эга теломер гомологлар асосида СФМ олинган. Бунда кичик молекулали кислоталар (сирка, пропион) ҳамда спиртларни (метанол, этанол) этилен билан радикалли теломеризацияси жараёнида радикалларни 1,5-миграцияси орқали қайта тақсимлашни борасидаги реакция кашф этилган. Бу кашфиёт кўнгина монография, дарслик ва мақолаларда этироф этилган ва ихтиро патентланган. Илк бор синтез қилинган алкиленантар кислотанинг диэтаноламиноэтил эфирининг сувли эритмаси қукунли металлургияда пластификатор сифатида ишлаб чиқаришга жорий этилиши ҳам профессорнинг номи билан боғланади, бунинг учун патент ҳам олинган. Изланишлар самарасида илк бор маҳаллий хомашёлар асосида 20 га яқин оригинал дори воситаси ишлаб чиқилган ва 14 тасининг барча меъёрий ҳужжатлари тасдиқланиб, Соғлиқни сақлаш вазирлигида рўйхатга олинган. “Тозаланган мумиё субстанцияси”, “Мумиё асил-0,15 капсулалари”, “Йод-ЦД”, “Аллтромбосепин”

антиагрегант дори воситаси, “Бетайодекса капсулалари” каби дори воситалари ҳам тиббиёт амалиётига татбиқ қилинган. Профессорнинг кимё ва фармацевтика эришган натижалари асосидаги дори воситалари Россиянинг “Каустик” ва Тошкентдаги “Remedy Group” ва “Ўзкимёфарм” корхоналарида ишлаб чиқаришга жорий этилган. Профессор Собиржон Аминов 40 йиллик мудирлик фаолияти давомида ноорганик, физик ва коллоид кимё кафедрасининг илмий салоҳияти, моддий техник базаси, ўқув-услубий таъминоти тубдан такомиллаштирилди. У кафедрада устоз-шогирд анъанасини давом эттириб, кўплаб иқтидорли ёшларни етук олим қилиб тарбиялади. Жумладан, унинг раҳбарлигида 6 нафар фан доктори ва 18 нафар фан номзоди тайёрланди.

Профессор Собиржон Аминов илмий ишлар бўйича проректор бўлиб фаолият юритган даврида институтда ягона “Кимё ва фармацевтика” (ҳозирги Фармацевтика) журнали ва ихтисослашган кенгаш ташкил этилди, устоз журналнинг бош муҳаррир муовини ва Тошкент фармацевтика институти таркибидаги ихтисослашган кенгаш раиси ўринбосари сифатида фаолият юритиб, институт ходимларининг илмий салоҳиятини оширишда

самарали меҳнат қилди. Ана шу даврдан бошлаб, Тошкент фармацевтика институти Давлат буюртмалари асосида илмий лойиҳалар танловида фаол иштирок этиб келмоқда. Жумладан, Собиржон Нигматович инновацион ва амалий лойиҳалар танловида жами 12 та гранд ютишга муваффақ бўлган. Улардан 8 тасида лойиҳа раҳбари сифатида фаолият олиб борган. Таъкидлашим муҳимки, устозимиз Ўзбекистон фармацевтика соҳасини ривожланиши ва дунёда танилишида ўзининг таҳсинга лойиқ ишлари билан ҳисса қўшиб, соҳага оид кўплаб нуфузли халқаро конференцияларда фаол иштирок этган. Жумладан, 1994 йил Туркияда фармацевтик технологиялар бўйича 7-халқаро симпозиумда, 1996 йил Исроилда ўтказилган 56-халқаро Фармацевтика федерацияси конгрессида (ХФФК), 1998 йил Нидерландияда ўтказилган 58-ХФФК, 1999 йил Испанияда 59-ХФФК ва 2000 йил Австрияда 60-ХФФК ларида фаол иштирок этиб, ўзи яратган янгиликлар тақдиротини намоиш этиб, маърузалар қилди. Профессор Собиржон Аминовнинг қучли билими ва самарали меҳнати натижасида 90 дан ортиқ муаллифлик гувоҳномаси ва ихтиро патентлари олинган. Шунингдек, у 2002 йилда

“Энг яхши ихтирочи” Республика кўрик-танловида ва 2017 йилда “Янги интеллект -2017” энг яхши интеллектуал мулк объекти танловининг “Энг яхши ихтиро” номинацияси бўйича голибликни қўлга киритган. У 600 дан ортиқ илмий иш, 20 та фармакопоя мақолаларининг, 5 та монография, 2 та лугат, 90 та муаллифлик гувоҳномаси ва патент, “Аорганик кимё”, “Ноорганик кимё”, “Физик ва коллоид кимё электрон дарслиги”, “Физик ва коллоид кимё” дарсликлари муаллифи, шунингдек, “Умумий ва аорганик кимёдан амалий машғулотлар” “Физик ва коллоид кимёдан лаборатория машғулотлари”, “Физик ва коллоид кимёдан масалалар тўплами” ўқув қўлланмаларининг муаллифидир. Устоз фаолияти давомида профессор “Йилнинг энг яхши ўқув адабиёти муаллифи” танловида икки марта биринчи ўрин совриндори бўлган. Шунингдек, 2012 йилда “Йилнинг энг яхши профессори”, “Ўзбекистон белгиси”, “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочиси” нишонлари, халқ хўжалиги кўргазмасининг қумуш медали ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. Кимё ва фармацевтика соҳасига қўшган ҳиссаси учун профессор, устозимиз Собиржон Аминовга 2007 йилда Ўз-

Хулоса ўрнида айтишим жоизки, таниқли олим Собиржон Нигматович кимё ва фармацевтика фанларини ўзаро кесмишган нуқталарида кенг қўламли илмий тадқиқотлар олиб борди ва ўзининг илмий мактабига асос солди. Мақоламиз қаҳрамони ҳаёт бўлганларида 85 ёшини қаршилаган бўлар эдилар. Устозни охиратлари обод бўлсин, қилган амаллари ўзларида ҳамроҳ бўлсин. Илм ва меҳр бериб тайёрлаган юзлаб шогирдларига илм пиллаояларидан сергаклик билан одимлаб юришларини ва халқимиз соғлигини мустаҳкамлашда узок вақт меҳнат қилишларини тиллаб қоламан. Сўзларимни муҳтасар қилар эканман, устозимнинг қуйидаги ибораларини такрор ва такрор айтгим келди. “Илм сўқмоқларидан довол ошиб, ҳаёт моҳиятини ва бахтни ҳис этдим”. Зеро, устозимнинг бундай пурмаъно фикрлари биз шогирдлар учун ибрат мактабини ўтаб, улар қолдирган фан бобидаги бой мерослар халқимиз саломатлиги йўлида хизмат қилади.

Авез ШАРИПОВ,

Тошкент фармацевтика институти Ноорганик, физик ва коллоид кимё кафедраси муdiri, фармацевтика фанлари доктори, профессор.

МАҲОРАТ, ТАЖРИБА ВА АМАЛИЁТ

ФАН ТАРАҚҚИЁТИ- НИНГ ИНСОН САЛОМАТЛИГИДАГИ ЎРНИ

Эътироф билан айтиш жоизки, Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз тиббиёт тизимига жиддий эътибор қаратиб, бу борада хорижий давлатлар билан ҳамкорлик қилиш учун кенг имконият эшикларини очиб бердилар десак, хато бўлмайди. Айниқса, жорий йил бошидан буён Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташаббуси билан тиббиёти ривожланган давлатлар ўртасида халқаро форумлар бўлиб ўтди ва давом этмоқда. Таъкидлаш муҳимки, республикаимиз тиббиёт муассасалари бир қанча давлатлардаги нуфузли олий таълим даргоҳлари, клиникалар билан халқаро ҳамкорлик борасида меморандумлар имзоланди. Бир қанча вақт ўтмай, кўплаб тиббиёт муассасаларимиз ҳамкорлик фаолиятларини бошлаб юбордилар. Жумладан, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказида ҳам бу фаолиятлар изчиллик билан йўлга қўйилди. Бугунги суҳбатдошимиз мазкур марказнинг директори, профессор Муроджон Ирисметов ҳамкорлик борасида қуйидаги фикрларни билдириб ўтди.



– 2 та уникондуляр ва 4 та тизза бўғимини тотал эндопротезлаш операцияларида иштирок этдик. Шунингдек, интраоперацион жараёни актив савол жавоблар тариқасида, маҳорат дарсларини намоиши билан биргаликда ўтказилди. Бунинг баробарида мазкур шаҳарнинг “Double Medical” институти эндопротезлар ишлаб чиқариш заводида ташриф буюрдик. Ушбу институт олимлари томонидан ўтказилган лекциялар тингланди. Шу жараёнда мен Хитой Халқ Республикаси оммавий ахборот воситаларига интервью бердим. Бундан ташқари “Double Medical” институтида тизза бўғими артроспластикаси бўйича ташкил этилган кадавер курсида қатнашидик. Ҳар бир

рациялари жуда катта қизиқиш уйғотди. Ташкил этилган кадавер ўқиш курслари, бизга мустақил равишда операцияларни эркин бажаришга ва қўникма ҳосил қилишга имкон яратди. “Double Medical” институти профессорлари томонидан қилинган маърузалар тизза бўғимининг эндопротезлашда яхши натижаларга эришиш ва асоратларга олиб келувчи омилларни йўқотишга қаратилганлиги билан аҳамиятли бўлди. Шунингдек, институтида ташкил этилган тизза бўғимини эндопротезлаш робототехникаси ҳам биз учун янгилик бўлди. “Double Medical” институти бош директори билан келишилган ҳамкорлик шартномаси муассасаларимиз ўртасида ўзаро тажриба алмашинув ва бизда ҳали жорий



Маълумки, ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтказилаётган тадбирлардан бири бу соғлиқни сақлаш соҳасида муваффақиятга эришган давлатлар билан икки томонлама ҳамкорликнинг долзарб йўналишлари – соғлиқни сақлаш, фармацевтика, рақамлаштириш, тиббий таълим ва илм-фан соҳалари, тиббий амалиётга юқори технологияларни жорий этиш бўйича етакчи тиббиёт олий ўқув юртлири, тиббиёт марказлари ва клиникалари вакиллари билан B2B, B2G, G2G форматда учрашувлар ташкил этиш натижа-сида ҳамкорликни ва хорижий инвестицияларни жалб этишни кенгайтириш ҳисобланади. Бу борада марказ томонидан кўплаб мамлакатлар қатори тиббиёти юқори ҳисобланган Хитой Халқ Республикаси муассасалари билан ҳамкорлик ишлари жадал олиб борилмоқда. Юқорида қайд этилган ҳамкорлик борасидаги фаолиятларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2023 йилнинг октябрь ойида Тошкент шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган «Ўзбекистон-Хитой Халқ Республикаси тиббиёт форуми» га тайёргарлик кўриш, икки томонлама ривожланиш истикболларини белгилаш мақсадида марказимизга жорий йилнинг 7 июль куни Хитой Халқ Республикаси, ШУАР, Урумчи шаҳри, Шинжон тиббиёт университети проректори жаноб Sun Hongxin, Шинжон тиббиёт

университети Халқаро таълим коллежи деканининг ўринбосари жаноб Yasep Mijiti, Шинжон тиббиёт университети Халқаро студентлар офисининг директори жаноб Zhang Junba Шинжон тиббиёт университети қошидаги анъанавий хитой табобати госпиталининг бир гуруҳ вакиллари ташриф буюришди. Хитойлик мутахассисларни ташрифи доирасида марказ маъмурияти билан учрашув бўлиб ўтди, унда Шинжон тиббиёт университети қошидаги анъанавий хитой табобати госпитали ҳамда марказимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда марказда ортопедик касалликлари билан оғриган беморларни Хитой халқ табобати усулларидан фойдаланган ҳолда даволаш бўйича маҳорат дарслари ташкил қилинди. Шу куни марказнинг поликлиника бўлимида Хитой халқ табобати хонаси ташкил этилиб очилиш маросими бўлиб ўтди. Шу билан бирга, Шинжон тиббиёт университети қошидаги анъанавий хитой табобати госпитали ҳамда марказимиз ўртасидаги ҳамкорлик бўйича клиникалар ўртасида травматология ва ортопедия соҳасида тажриба алмашиш, малака ошириш курслари ва маҳорат дарслари орқали мутахассисларни тайёрлаш, тадқиқот ва маслаҳатлар ўтказиш мақсадида мутахассислар алмашинуви, ўзаро манфаатли масалалар бўйича травматология ва ортопедия соҳасида ахборот алмашишга икки томонлама келишувга эришилди.

Хитойлик мутахассислар жорий йилнинг октябрь ойида Тошкент шаҳрида ўтказилаётган «Ўзбекистон-Хитой Халқ Республикаси тиббиёт форуми»да қатнашиш учун тақлиф этилди.

Муроджон Эргашев, 2023 йилнинг 13-21 июль кунлари Хитой Халқ Республикаси Сямынь шаҳридаги “Double Medical” институтида тизза бўғимини уникондуляр эндопротезлаш бўйича ташкил этилган кадавер курсларида қатнашиш учун бир гуруҳ травматолог ва ортопедлар билан хизмат сафарида бўлиб, қайтиб келди. Бу тўғрисида фикрингиз?

Айтишим жоизки, жорий йилнинг иккинчи ярмида ўтказилиши режалаштирилган Ўзбекистон-Хитой Халқ Республикаси тиббиёт форуми ташкилий масалаларини муҳокама қилиш ҳамда марказ ва Хитой Халқ Республикасининг мутахассислари ҳамкорлигида республикаимизда тизза бўғими касалликларини эндопротезлашнинг илғор технологияларини тадбиқ этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус буйруғига асосан, бир гуруҳ Ўзбекистон травматолог-ортопед мутахассислари билан Хитой Халқ Республикаси Сямынь шаҳридаги “Double Medical” институтида тизза бўғимини уникондуляр эндопротезлаш бўйича ташкил этилган кадавер курсларида қатнашиш ташрифини амалга оширдик. Ташрифнинг илк куни Сямынь шаҳридаги “Учинчи Zangzhou Hospital” клиникасида жами 6 та

мутахассис учун ажратилган ана-томик препаратларда мустақил равишда операциялар бажарилди. Шунингдек, Сямынь университети Чжуншань филиали фаолияти билан танишиб, университет мутахассислари томонидан ўтказилган семинарларда иштирок этдик ва операцияларда қатнашдик. “Double Medical” институтида тизза бўғими артроспластикасини робот техникаси ёрдамида бажарилиши бўйича маҳорат дарслари олиб борилди. Машғулотларда тизза бўғимининг ҳар бир текислигида робот кесимлари ўрганилди. Шунингдек, “Double Medical” институти бош директори билан учрашув ўтказилиб, шу куннинг ўзида Ўзбекистонлик мутахассисларга сертификатлар топшириш маросими бўлиб ўтди.

Албатта, ҳамкорлик ташрифларингиз доирасида янада тажриба ва амалиётларга эга бўлиб қайтиб келдингиз. Бу ҳусусидаги фикрларингиз қандай?

– Республикаимизда мазкур операция ҳали йўлга қўйилмаган, лекин Хитой Халқ Республикаси тиббиёт муассасаларида тизза бўғими патологияларини даволашда кенг жорий этилган ва муваффақият билан бажарилаётган уникондуляр эндопротезлаш опе-

рацияларни йўлга қўйишда муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Келгусидаги режаларингиз?

Яқин келажакда, аввал марказда, кейинчалик вилоят марказларида, тизза бўғимининг жароҳатдан кейинги асоратлари ва касалликларини уникондуляр эндопротезлаш операцияларини йўлга қўйиш. Имзоланган меморандум асосида марказда Хитойлик мутахассислар иштирокида маҳорат дарсларини ташкил этиш ва марказ мутахассисларини “Double Medical” институтига ўқишга юбориш орқали малакасини ошириш. Онлайн тарзда ўқишлар ва консултациялар ташкил этиш. Меморандум асосида йирик бўғимларни эндопротезлашда робототехникани йўлга қўйиш. Шу йил октябрь ойида бўлиб ўтаётган “Ўзбекистон-Хитой” тиббиёт форумига “Double Medical” институти бош директори ва профессорларини тақлиф қилиш ҳамда Соғлиқни сақлаш вазири қабулида бўлиш. Марказнинг В-бини 6-қавати-ни давлат хусусий шерикчилик асосида аутсорсингга топшириш ва шу орқали Ўрта Осиёда ягона бўлган “Double Medical” институти кадавер курс ва ўқишларини ташкил этиш.

Хулоса ўрнида айтмоқчиманки, бу каби ҳамкорлик фаолиятларимиз янада бардавом бўлиб, асосий мақсад ва вазифаларимиз инсон саломатлигига қаратишдан иборатдир.

Суҳбатдош Ибодат СОАТОВА.

ДЛЯ ТВОРЧЕСТВА И ВДОХНОВЕНИЯ

БИБЛИОТЕКА— ЭТО УНИКАЛЬНЫЙ ИНФОРМАЦИОННЫЙ ЦЕНТР

Вопрос о появлении библиотек на территории нашей страны уходит в далекое прошлое и тесно связан с изобретением письменности и распространением первых рукописных книг. На всех этапах развития общества уделялось пристальное внимание собиранию рукописей, книг и других носителей информации.



Здание Государственной научной медицинской библиотеки.
(ранее дом профессора Шляхтина Е.М.)
Годы размещения с 1952г. по 1967г.



А.К.ШАБАНОВА и ученый секретарь Е.Я.ЛАЗУНОВА
(с мая 1975 года на заслуженном отдыхе).



1960 год



1967 год



Читатели библиотеки в каталожном зале.

В этих целях образовывались различные учреждения: хранилища, архивы, а также библиотеки. Интересный факт: оказывается, любители почитать в дороге — явление несомненное. Персидский визирь Сахиб прославился в X веке своей библиотекой. Со своими 117 тысячами книг он не расставался даже во время военных походов. BIV—VI вв. в Средней Азии просвещение получило достаточно широкое распространение, что способствовало возникновению школьных и дворцовых библиотек. Бухара и Самарканд славились в древности большими хранилищами различных научных книг. Знаменитый ученый-энциклопедист Абу Али Ибн Сина, посещавший библиотеку эмира в конце X — начале XI вв. писал, что она хранилась в отдельном доме, в комнатах которого книги распределялись по наукам. Имелся каталог, по которому библиотекари могли отыскать и выдать имеющиеся в библиотеке книги и рукописи. Великие деятели науки, такие как Мухаммад Аль-Хорезми, Аль-Фергани, Абу Наср аль-Фараби, Аль-Беруни, Ибн Сина, М. Кашгари, Аль-Джами, Амир Темур, Алишер Навои, Мирзо Улугбек спонсировали сбор книг и собирали каллиграфов и переводчиков книг на другие

языки, анализировали книги на латинском и арабском языках, переводили и копировали с них. В частности, в XIV веке в Самарканде под руководством великого Сахибкирана Амира Темура, была создана библиотека из белого мрамора, напоминающая огромный фонд книг. Позже библиотеки были построены во дворцах, городах и медресе Бухарского, Хивинского и Кокандского ханств, где хранилось много редких рукописей. Многие из этих библиотек не только функционировали как библиотеки, но и выполняли все процессы подготовки книг (каллиграфия, работа с обложками). Первой научной медицинской библиотекой в Узбекистане стала Государственная научная медицинская библиотека Министерства здравоохранения Республики Узбекистан (ГНМБ МЗ РУз). Она была основана в Ташкенте в

Государственная научная медицинская библиотека Министерства здравоохранения Республики Узбекистан, являющаяся головной отраслевой медицинской библиотекой, предназначенная для обслуживания научных и практических работников здравоохранения, выполняет следующие функции:

- является государственным органом научно-технической информации по медицине и здравоохранению;
- является научно-методическим центром для сети медицинских библиотек Узбекистана;
- является национальным хранилищем диссертаций по медицине и фармацевтике;
- является депозитарием медицинской литературы;
- является участником международного книгообмена с зарубежными библиотеками;
- является культурно-просветительным учреждением, имеющим особую общественную значимость;
- является членом Ассоциации медицинских библиотек стран СНГ;
- является членом Ассоциации библиотек Узбекистана, а также Центром документации Европейского регионального бюро ВОЗ.

июне 1935 года в бывшем здании родильного дома, построенном в 1905 г. по проекту архитектора Г.М. Сваричевского. В настоящий момент библиотека располагает уникальной коллекцией научных изданий по медицине и здравоохранению, хранилищем практического опыта в области медицины, а также одним из лучших в Узбекистане центров разработки и внедрения инфор-

мационных библиотечных технологий. Гордостью библиотеки стало собрание редких книг по медицине, как, например, «Канон врачебной науки» Авиценны на арабском языке, труды Гипократа, «Сборник Туфтах аль Момини Ардин», книга Макула «Календарь приема лекарств», «Сборник Табиба Хазики-Моджада Хикмата» на персидском языке, Карабадин Кадири «Фармакопсия» (1709 г.) на фарси, «Протоколы Заседаний Ферганского медицинского общества» (1896 г.) и т.д. Будучи одной из старейших библиотек Центральной Азии, Фонд библиотеки насчитывает более 1 миллиона экземпляров отечественной и зарубежной медицинской литературы (в т.ч. научных трудов, переводов, диссертаций, авторефератов, депонированных рукописей и т.д.). Обслуживание пользователей библиотеки осуществляется на

уровне современных информационных технологий.

Основанная много лет назад, библиотека, сегодня представляет собой огромный комплекс, включающий в себя как печатные издания, так и электронные ресурсы. В её фондах можно найти книги и журналы по разным медицинским дисциплинам. Она является идеальным местом для исследований и работы над научными проектами, предоставляет доступ к базам данных, включающим тысячи научных статей, медицинских исследований и других материалов, которые могут быть полезны при работе над научными проектами. Библиотека продолжает активно работать над улучшением своих услуг, а также предоставлять максимально полезную и актуальную информацию медицинским работникам и студентам.

Наряду с этим ГНМБ МЗ РУз ведет работу по привлечению пользователей библиотеки посредством заключения Договоров о сотрудничестве в области информационно-библиотечного обслуживания с другими организациями медицинской отрасли. В 2021 году библиотека открыла свой филиал на базе Республиканского специализированного медицинского центра Микрохирургии глаза, а в 2022 году

открыла филиал при Центральной клинической больнице АО “Ўзбекистон темир йўллари”. ГНМБ МЗ РУз предоставляет спектр услуг от поиска нужного издания в печатном и электронном формате до поиска статьи на запрашиваемом языке, библиографический поиск, как из собственной базы данных, так и других зарубежных баз данных, осуществляет патентный поиск, делает мониторинг лекарственных средств из медицинских периодических изданий, издаваемых в Республике Узбекистан, формирует электронную базу периодических изданий и т.д. С 2023 года улучшены услуги для пользователей, включая обновление сайта библиотеки и улучшение поисковой системы для нашей электронной коллекции, программы обучения для наших

ми конференциями в Республиканские специализированные научно-практические медицинские центры, где расположены библиотеки-филиалы ГНМБ МЗ РУз для наибольшего охвата и информирования сотрудников, занимающихся наукой. Специалисты продолжают работать над расширением и пополнением электронной базы медицинскими ИБР, чтобы пользователи могли получать доступ к информации удаленно. Запущена новая программа обмена книгами между медицинскими библиотеками (Эл. МБА) в разных регионах. Это позволило нашим пользователям получать доступ к более широкому выбору литературы и обмениваться информацией с



За последние годы ГНМБ МЗ РУз расширила зону своей деятельности не только в нашей Республике, но и за ее пределами. В настоящий момент заключен Меморандум с:

- Ассоциацией медицинских библиотек России;
- Российской Государственной библиотекой (БАЕ);
- ГПНТБ Росии;
- НАО Западно-Казахстанским медицинским университетом им. М. Оспанова;
- Международным Казахско-Турецким университетом им. Х.А. Яссави;
- Азербайджанским культурным центром;
- АО “Ўзбекистон темир йўллари”;
- Центральной клинической больницы АО “Ўзбекистон темир йўллари”;
- Азербайджанской Республиканской научной медицинской библиотекой;
- Военной медицинской академией Вооруженных сил Республики Узбекистан.

пользователей, включая курсы по информационной грамотности и электронным ресурсам, дистанционные консультации и инструкции по использованию ресурсов, чтобы помочь нашим пользователям максимально использовать наш фонд. Кроме того продолжается внедрение новых форм в работе по информационно-библиотечному обслуживанию с выездны-

коллегами в других регионах.

Библиотека также активно работает над развитием своего сайта <https://uzmedlib.uz>, чтобы обеспечить пользователям легкий доступ к информации и ресурсам. На сайте публикуются новости, мероприятия и статьи по медицине и здравоохра-

нию. Ведется картотека «Медики Узбекистана», которая регулярно пополняется, открыт раздел «Медики Узбекистанцы – участники ВОВ». Медицинская библиотека является ключевым ресурсом для обеспечения доступа к информации и знаниям в области медицины и здравоохранения. Значительное увеличение числа пользователей свидетельствует о росте популяр-

ности нашей библиотеки в медицинском сообществе. В 2023 году мы внедрили несколько новых технологий: установили новое программное обеспечение, которое позволяет нам эффективно управлять каталогом книг и журналов, а также предоставлять пользователям более удобный доступ к информации в библиотеке. Получили патент на изобретение “Свидетельство о регистрации информационно-поисковой Электронной программы Tesseract V-5/10/3 <https://natmedlib.uz/tessafm>” от

28.03. 2023 № DGU 202321. Эта база представляет широкий спектр поиска научной литературы, обмен файлами, медицинские микросервисы, в нее также вошла база авторефератов, учебная литература, научные и научно-популярные книги, научные журналы, клинические рекомендации, Open Access научные медицинские статьи из Pubmed, Pubmed Central, Pubmed Europe, Arxiv, Science, Nature Medicine, Cell, Advanced Therapeuticus, Российские периодические издания и научные журналы, статьи

В заключении следует отметить, что библиотечная система всегда идет в ногу со временем и модернизируется. Современная библиотека – это пространство для творчества и вдохновения читателей. Думаю, в XXI веке библиотеку стоит рассматривать не просто как место для чтения книг, для многих, особенно молодых научных сотрудников, библиотека – это в первую очередь место, где они могут спокойно посвятить время учебе, насладиться тишиной и атмосферой.

Лола ЭРГАШЕВА,
заместитель директора Государственной научной медицинской библиотеки Министерства здравоохранения Республики Узбекистан.



Мана диёримизда ёз фасли ҳам бошланди. Шу жумладан кунларнинг кескин исиб кетиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2023 йил 5 июлдаги 418-Ф-сонли фармойишига асосан Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича “Долзарб 30” кун тадбири ўтказилиши муносабати билан Тошкент шаҳар Фавқуллодда вазиятлар бошқармаси ходимлари томонидан, Тошкент шаҳар ҳудудида янги қурилатган кўп қаватли аҳоли ту-

қурилиш кетаётган бино ва иншоотларнинг майдонларида, шунингдек, қурилиш-монтаж ишларида ёнгин хавфсизлиги тегишли қоидаларга амал қилиш орқали таъминланади. **Масалан:** Биринчи навбатда барча ишчи

ходимлар техника қоидаларига риоя қилган ҳолда махсус кийим бошлар билан таъминланиши, қурилиш майдонларида пайвандлаш ишларини махсус гувоҳномага эга бўлган ишчилар пайвандлаш ишларини олиб бориши,

рар-жой уйлари, ишлаб чиқариш ва маъмурий биноларда фавқуллодда ҳолатларни ҳамда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида барча ишчи ходимлар билан йўриқнома ва суҳбатлар ўтказилмоқда. Биноларнинг ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, уларни лойиҳалаштириш ва қурилиш ишларидан бошланади. Бино ва иншоотларда ёнгин хавфсизлиги талабларининг тўла бажарилиши кейинчалик уларда ёнгин содир бўлмаслигининг кафолати ҳисобланади.

қурилиш майдонларида ёнгинга қарши қалқон ҳамда бирламчи ёнгин ўчириш воситалари билан таъминланиши, носоз ҳолдаги электр тармоқларидан фойдаланмаслик, газ солинган баллонлар сони 50 дан ортиқ бўлмаган ҳол-

да махсус омборхонада ёки қуёш нури тик тушмайдиган бостирма остида сақланиши керак. Тўлдирилган баллонлар тик ҳолда сақланиши лозим. Улар махсус катаклар ёки уяларга ўрнатилади ва камар, занжир ёки қисқичлар билан маҳкамланади. Кислород баллонларидан фойдаланиш, уларни сақлаш ва кўчиришда баллон ҳамда шланглар мой ва мойли материалларга тегиб кетмаслик чоралари кўрилиши керак. «Мехнат қилиб боғ яратган, уни асрай билиши ҳам керак» деганларидай, бино ва иншоотлар бунёд этувчи ҳар бир бинокор-қурувчи, муҳандис мутахас-

сис тегишли талабларни пухта ўзлаштириб олиши, қурилиш жараёнида ёнгинларга олиб келувчи ҳар қандай салбий ҳолатни олдини олиш юзасидан тегишлича йўриқнома билан таъминланиши лозим. Бошқача айтганимизда, қурилишда амалдаги қоида талабларига қатъий риоя этишга ҳар бир киши масъул ва мажбур эканлигини унутмаслиги керак. **М. ТУРСУНОВ,** “Қорасув қароргоҳи” Давлат Резиденцияси ЁХТТЭБ ЁН ва ПБ мутахассиси, қатта сержант.

ФВБ ХАБАР ҚИЛАДИ

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИНГ

ИМКОНИАТ

МУТАХАССИС-КАДРЛАРНИ ИШГА ОЛИШ
МАСАЛАСИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Сирдарё вилоят бўлими ташаббус билан Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, унда белгилаб берилган вазифалар ижросига қаратилган тадбир бўлиб ўтди.

Унда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Сирдарё вилоят филиали бош мутахассиси Алишер Абдувалиев иштирок этиб, мутахассис-кадрларни ишга олишда шаффофликни таъминлаш билан бирга тизимда инсон омили ара-лашуви, таниш-билиш-

чилик иллатига барҳам бериш, давлат фуқаролик хизматига очик танлов ўтказиш йўли билан ишга қабул қилиш, Давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимлари учун ўтказилаётган танловларда номзодларга қўйиладиган талаблар ва бошқа масалалар тўғрисида сўз юритди.

Ва шу билан бирга, Дав-

лат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимлари учун ўтказилиши кузда тутилган очик танлов шартлари; эълон бериш, малака талаби бўйича кўриб чиқиш, тест орқали назарий билимларини синовдан ўтказиш ҳамда танлов комиссиянинг суҳбат босқичларини ташкил этиш



каби мураккаб жараёнларга аҳамият қаратди.

Муҳими, Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Сирдарё вилоят фили-

али ҳамда соғлиқни сақлаш бошқармаси ходимлари ўртасида мазкур учрашув, кизгин, савол-жавобларга бой тарзда ўтди.

Ғулом ПРИМОВ,
Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси матбуот котиби.

МЕҲНАТГА ЛАЁҚАТСИЗЛИК ВАРАҚАЛАР ҲАҚИДА 10 ТА МУҲИМ САВОЛГА ЖАВОБ

1. Қандай ҳолларда меҳнатга лаёқатсизлик варақаси берилади?

Меҳнатга лаёқатсизлик варақаси куйидаги ҳолларда берилади:

фуқароларнинг касаллиги, шикастланганлиги, ҳомиладорлиги, туққанлиги;
оиланинг бетоб аъзосини парваришлаганлиги;
протез қўйдирганлиги;
санаторий-курортда даволанганлиги;

соғлиги ҳолатига кўра бошқа ишга ўтказиш учун;
карантин тўғрисида меҳнатга вақтинча лаёқатсизлигини тасдиқлаш учун.

2. Меҳнатга лаёқатсизлик варақаси фақат давлат тиббиёт муассасаларида бериладими?

Ўй. Қоида тариқасида, давлат соғлиқни сақлаш тизими даволовчи шифокорлари томонидан берилади.

Агар давлат ташилотларда ўзларига қарашли даволаш-профилактика муассасалари мавжуд бўлса, улар томонидан ҳам берилиши мумкин.

Хусусий клиникалар ҳам меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини беришга ҳақли. Бунда муассаса меҳнатга вақтинча лаёқатсизлигини экспертиза қилиш бўйича етарли малакали ходимга эга бўлиши шарт.

3. Ўқувчи, талаба, магистрант, клиник ординатор ва катта илмий ходим-изланувчиларнинг ўқишга вақтинча лаёқатсизлиги меҳнатга лаёқатсизлик маълумотномаси билан тасдиқланади.

Бунда маълумотномалар, қоида тариқасида, давлат тиббиёт муассасалари, шунингдек, давлат ташилотларига қарашли тиббий муассасаларнинг шифокорлари томонидан берилади.

4. “Тез ёрдам” шифокори меҳнатга лаёқатсизлик варақасини бериши мумкинми?

Ўй. Тез тиббий ёрдам хизмати томонидан меҳнатга лаёқатсизлик варақалари берилишига йўл қўйилмайди.

Шунингдек, куйидагилар томонидан меҳнатга лаёқатсизлик варақалари берилиши тақиқланади: шифохоналарнинг қабул бўлимлари;

суд-тиббий экспертиза муассасалари;

пансионат ва санаторий-курортлар (сил касалликлари санаториялари бундан мустасно);

физиотерапия, даволаш жисмоний тарбияси ва спорт тиббиёти ихтисосликлари бўйича тиббий муассасалар.

5. Олис ҳудудларда яшовчи фуқаролар меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини қандай оладилар?

Олис ҳудудлардаги даволаш профилактика муассасаларида битта даволовчи шифокор фаолият кўрсатган тақдирда, у бир ойгача муддатга меҳнатга лаёқатсизлик варақаси бериши мумкин.

6. Ҳарбий хизматчиларга қайси ҳолларда меҳнатга лаёқатсизлик варақаси берилади?

Ҳарбий хизматчиларга меҳнатга лаёқатсизлик варақаси берилмайди. Бироқ ҳарбий хизматчи муддатли ҳарбий хизмат сафидан бўшатилгандан кейин бир ой ичида меҳнатга вақтинча лаёқатсизлик варақасига келган бўлса, меҳнатга лаёқатсизлик варақаси берилмайди.

7. Бетоб бўлиб қолган шахсларга қачондан бошлаб меҳнатга лаёқатсизлик варақаси берилиши лозим?

Касаллик ва шикастланганлик бўйича меҳнатга лаёқатсизлик варақаси бемор мурожаат қилган тиббиёт

муассасаси томонидан меҳнатга лаёқатсизлик аниқланган кундан бошлаб берилади.

Шуни ёдда тутиш керакки, қонунчиликда назарда тутилган истисно ҳолатлардан ташқари меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ўтказиб юборилган кунларга берилмайди.

8. Ходим иш кунни якунидан сўнг ёки талаба ўқини тугатганидан сўнг мурожаат қилса, ўша кунга ҳам меҳнатга лаёқатсизлик варақаси бериладими?

Иш кунни ёки ўқини тугатганидан сўнг мурожаат қилинганда, меҳнатга лаёқатсизлик варақаси кейинги календарь кунидан расмийлаштирилади.

9. Фуқаро ўзини касалга солиб шифокорга мурожаат қилса, меҳнатга лаёқатсизлик варақаси олиши мумкинми?

Ўй. Албатта. Меҳнатга лаёқатсизлик варақаси фуқаро шифокор томонидан шахсан кўрикдан ўтказилгандан сўнг меҳнатга лаёқатсизлик аниқланганда берилади. Тахсис клиник ва объектив маълумотлар (шикоятлар, объектив ҳолат) ҳамда лаборатор-инструментал текширувлар натижалари билан тасдиқланади ва тиббий ҳужжатларда қайд қилинади.

10. Меҳнатга лаёқатсизлик варақаси қанча муддатга берилади?

Амбулатория шароитида даволашни даволовчи шифокор яқка ўзи беш календарь кунигача меҳнатга лаёқатсизлик варақаси бериши мумкин.

Беш календарь кунидан ошганда меҳнатга лаёқатсизлик варақасининг муддати даволовчи шифокор ва бўлим мудури томонидан ҳар сафар ўн календарь кундан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилади.

Т. АЗИМОВ,

Адлия вазирлиги Ҳуқуқни қўллаш департаменти масъул ходими.

ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ!

КОРРУПЦИОН ҲОЛАТЛАРГА ШАРОИТ ЯРАТИБ БЕРГАННИ УЧУН
ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ МАСЪУЛЛАРИГА ЧОРА КЎРИЛАДИ

Ижтимоий тармоқларда Андижон давлат тиббиёт институти декани ўринбосари А.Н. ҳамда кафедра ассистенти К.Х. фуқароларни ўқишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, улардан пора олган вақтда ашёвий далиллар билан қўлга олингани ҳақида хабарлар тарқалди.

Хозир мазкур ҳолат юзасидан дастлабки тергов-суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда. Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазири буйруғи билан Андижон давлат тиббиёт институти ходимлари томонидан содир этилган ноқонуний хатти-ҳаракатларни ўрганиш юзасидан вазирликнинг ишчи гуруҳи тузилиб, хизмат текшируви тайинланди. Айни пайтда мазкур олий ўқув юртида масъул шахсларнинг ўқишга киритиб қўйиш мақсадида коррупциявий омилларга йўл қўйилганлиги, уни келтириб чиқараётган тизимли муаммолар ҳамда бунга имкон берувчи сабаб ва

шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан тўлиқ ўрганиш ўтказилмоқда.

Шунингдек, коррупциявий ҳолат содир этилишига шароит яратиб берганлиги, муассаса ходимлари ўртасида етарлича тушунтириш ишлари олиб борманганлиги сабабли институтнинг қатор масъулларига нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилади.

Хурматли юртдошлар! Агар Сиз соғлиқни сақлаш тизимида бирор бир коррупцион ҳолатга дуч келсангиз, вазирликнинг 1003, 1203 ва 1103 (ҳудудлар бўйича) қисқа рақамли ишонч телефонларига мурожаат қилишингиз мумкин. Эслатиб ўтамиз, Соғлиқни сақлаш вазирлиги коррупциявий ҳолатлар ҳамда ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг ҳар қандай кўринишига нисбатан муросасиз муносабатда бўлади.

@ssvuz

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши жамоаси Кенгаш раиси Хананияев Фарҳоджон Раҳмановичнинг акиси
Хананияев Жўрабой Раҳмановичнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ISSN 2010-6149.
Электрон манзилими: www.uzssgzt.uz

Бош муҳаррир
Амрилло ИНОЯТОВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг пайшанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда "O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Zdravooxranenie Uzbekistana" газетасидан олинди деб кўрсатилиши шарт. Тахририятга келган кўлөзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015–рақами билан рўйхатга олинган.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев
Тахририят манзили: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30 уй, 2–қават. Тел/факс: (71)233–13–22, тел.: (71)233–57–73.
Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41 уй Тел/факс: (71)233–11–07.

Газета ҳафти
2 босма табоқ.
Формати А3. Офсет
усулида чоп этилган.

Адади - 750 дона.
Буюртма рақами Г-735.

Босмахонага
топирилиш вақти:
21-00. 3 4 5 6 7
Топирилди 20-00.